



ХУДУДЛАР БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Назаров Назиржон Нарзиллоевич

Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти. Тошкент, Ўзбекистон. nazir_n_n@mail.ru

ORCID: 0000-0002-9100-5645

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a31

Аннотация

Мақолада ҳудудларнинг барқарор ривожланишини давлат томонидан тартибга солишнинг назарий-услубий асослари келтирилган бўлиб, бунда ҳудудий ривожланишнинг номутаносибликлари ва муаммолари келтирилган. Минтақавий ривожланишни давлат томонидан тартибга солиш назарияларида “ноинтервенционалистлар”, “мослашувчилар”, “радикал қайта ўзгартирувчилар” оқимларининг таъриф ва ёндашувлари мақолада ўз аксини топган. Шу ўринда ҳудудларни барқарор ривожланишини давлат томонидан тартибга солишнинг замонавий ёндашувлари мақолада келтирилган.

Калит сўзлар: ҳудудий ривожланиш, давлат, тартибга солиш, бозор иқтисодиёти, минтақавий сиёсат.

ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ГОСУДАРСТВЕННОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНОВ

Назаров Назиржон Нарзиллоевич

Докторант Национального университета Узбекистана. Ташкент, Узбекистан.

Аннотация

В статье представлены теоретико-методологические основы государственного регулирования устойчивого развития территорий, в которых представлены дисбалансы и проблемы территориального развития. В теориях государственного регулирования регионального развития в статье отражены определения и подходы течений «неинтервенционалистов», «адаптеров», «радикальных перестроителей». На данный момент в статье представлены современные подходы к государственному регулированию устойчивого развития территорий.

Ключевые слова: территориальное развитие, государство, регулирование, рыночная экономика, региональная политика.

THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF STATE REGULATION OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF REGIONS

Nazarov Nazirjon Narzullayevich

Doctoral student National University of Uzbekistan. Tashkent, Uzbekistan.

Abstract

The article presents the theoretical and methodological foundations of state regulation of the sustainable development of territories, in which imbalances and problems of territorial

development are presented. In the theories of state regulation of regional development, the definitions and approaches of the flows of “noninterventions”, “adaptors”, “radical rearrangers” are reflected in the article. At this point, modern approaches to state regulation of the sustainable development of territories are presented in the article.

Key words: territorial development, state, regulation, market economy, regional policy.

Кириш

Дунёнинг барча мамлакатлари учун (уларнинг ривожланиши даражасидан қатъий назар) ресурслар билан таъминланиш, иқтисодий ривожланиш ҳолати ва аҳоли турмуш сифати, инфраструктуранинг ривожланиш даражаси, атроф-муҳитнинг ҳолати, ижтимоий вазиятнинг бир хил эмаслиги хосдир. Ушбу муаммолар ҳар доим мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг стратегик ва тактик мақсадларнинг тўғри қўйиш ва амалга ошириш натижасида камайтириш мумкин. Аксарият ҳолларда мамлакатнинг иқтисодий ҳаётидаги ҳар қандай ўзгариш иқтисодий самарадорликни ошириш, ёки бўлмаса ижтимоий тенгликнинг ошишига олиб келади. Агар мақсадлар тўғри қўйилса-да, лекин тўлиқ амалга оширилмай қолса, зиддиятлар сақланиб қолади, ёки кучайиб ҳам кетиши мумкин.

Маълумки, бозор айирбошлаш жараёнларини табиий тартибга солувчи родини бажаради ва бу билан унинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлайди, кишиларнинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган барча моддий неъматлар такрор ишлаб чиқаришини рағбатлантиради.

Хўжалик юритишнинг самарали тизимини шакллантиришда бозор билан бир қаторда жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солишда давлат муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг роли масаласига алоҳида эътибор қаратиб, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди”. “Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатдир” [1]. Ушбу стратегик ҳаракатнинг учинчи устувор йўналиши бевосита иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришга бағишланган бўлиб, иқтисодиёт соҳасида замон талабларига жавоб берадиган, янгича маъно-мазмундаги ва самарали ислохотларни амалга оширишга қаратилганлигидадир.

“Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида кейинги беш йилликда мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асосларини яратиб беришга қаратилган Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси қабул қилинди.

Тараққиёт стратегиясининг учинчи йўналишида ҳам айнан ҳудудларни ривожлантириш кўзга тутилган бўлиб, Ш. Мирзиёев “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ёндашув ва тамойилларни тўлиқроқ шакллантириш, иқтисодиётнинг ҳудудий ва тармоқ ривожланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминлаш, бу жабҳадаги мавжуд салоҳият ва “нисбий устунлик” мезонларидан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда

инсон капитали ва демографик омилларни инobatга олиш масалалари ҳам янгича ёндашувларни талаб қилмоқда”, дея таъкидлаган [2].

Бундан ташқари ҳудудлар барқарор ривожланишини таъминлашда, ҳудудлар билан ишлашнинг янги тартиби ўрнатилиб, унга кўра ҳар йили барча туман ва шаҳарнинг муаммо ва имкониятларини чуқур ўрганган ҳолда ҳудудлар кесимида тараққиёт дастурлари ишлаб чиқиш, уларнинг ижроси юзасидан мутасадди раҳбарлар Олий Мажлис палаталарига ҳисобот бериши амалиёти йўлга қўйилди [3].

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсади иқтисодий ва ижтимоий барқарорликка эришиш, мавжуд тузумни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, ўзгариб боровчи шароитларга мослаштириш ҳисобланади. Демак, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ҳозирги замон иқтисодий тизимларининг асосий характерли белгиси ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда хусусий сектор - бозор механизми орқали иқтисодий муаммоларни ҳал қилинишини, жумладан самарадорликни оширишни таъминлайди. Шу билан бирга бозор сиёсий, ижтимоий ва экологик муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Ушбу муаммоларни ҳал қилишда ривожланган мамлакатларда давлат етакчи рол ўйнайди. Ҳудудий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда давлатнинг энг муҳим йўналишларидан бири – минтақавий сиёсат юритишдир.

Иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши жаҳоннинг барча мамлакатларида амалга оширилган ва амалга оширилмоқда, барча иқтисодий тизимларда давлат у ёки бу даражада иқтисодиётни тартибга солади. Бозор муносабатларига ўтиш ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш – мулкчиликни, моддий ишлаб чиқаришни, меҳнат бозорини, молия бозорини ислох қилиш даврида у айниқса муҳимдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Жаҳон банкининг собиқ президенти Ж.Вулфенсон «Ўзгараётган дунёда давлат» деб номланган маърузасига сўзбошида: «тарих яхши ҳукумат – шунчаки безак эмас, балки ҳаётин зарурият эканлигини бир неча бор намойиш қилди. Самарасиз давлатда на ижтимоий, на иқтисодий барқарор ривожланиш мумкин эмас» [4]. Бу айниқса, ижтимоий-иқтисодий ўзини-ўзи тартибга солиш механизми шаклланмаган, валютаризм авж олишига тўсиқ қўйилмаган, бошқарув маҳоратига эга бўлмаган, ривожланишдан орқада қолган мамлакатларда ёрқин кўринади [5].

Ўзбекистон минтақалари ўтиш давридаги иқтисодиёти ҳолатини таҳлил этганда иқтисодиётни тартибга солишнинг ҳам монитаристик, ҳам кейнсианчилик усуллари билан биргаликда фойдаланиш мумкин. Кўпгина олимлар иқтисодий ривожланишни тартибга солишда давлат иштирокининг даражаси бўйича уч гуруҳ моделларни ажратиб кўрсатадилар. Булар: этотистик (устун даражада давлат томонидан тартибга солиш); либерал (бозор регуляторларининг устунлик қилиши); аралаш (бозор ва давлат регуляторларининг мақбул қўшиб олиб борилиши) моделларидир [6].

Т.Г.Морозованинг фикрича, ўтиш даврининг бошланғич даврида иқтисодиётни эркинлаштириш, иккинчи босқичда иқтисодиётни барқарорлаштириш, ва якунловчи босқичда унинг самарадорлигини, жадал ривожланишини таъминлаш чора-

тадбирларини қўллаш иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий вазибалари ҳисобланади [7].

Иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши манфаатлар мувозанатига олиб келиши, яъни бир томондан, у бозор механизмларидан фойдаланган ҳолда иқтисодий ислохотларнинг самарали амалга оширилишини, иккинчи томондан эса – даромадлар ва ресурсларнинг адолатли тақсимотини таъминлаши зарур.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш турли даражаларда, энг аввало республика ва минтақалар даражасида амалга оширилади. Шунингдек у иқтисодиёт тармоқлари ва алоҳида корхоналар даражасида ҳам амалга оширилиши мумкин. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари анъанавий равишда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш субъектлари сифатида ҳаракат қилади.

Минтақалар иқтисодий ривожланишидаги турғунлик ҳолатини бартараф этишнинг зарур шarti ўз-ўзини тартибга солишнинг бозор механизмларидан тўлиқроқ фойдаланиши билан боғлиқдир. Бироқ, жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, ҳатто мукамал йўлга қўйилган бозор иқтисодиёти ҳам чуқур ҳудудий номутаносибликларни бартараф қилишга қодир эмас. Минтақалардаги депрессив муаммоларни ҳал этишда давлат етакчи роль ўйнайди. Сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий тусдаги ҳатти-ҳаракатлар минтақавий ривожланишнинг давлат томонидан тартибга солиниши ифодаси бўлиши керак. Бундай ҳатти-ҳаракатларнинг амалга оширилиши биринчи навбатда, «давлат минтақавий сиёсатининг моҳияти, мазмуни ва шакллари тўғрисида ягона концептуал тасаввурларни» белгилаб берадиган ҳуқуқий ва меъёрий-услубий база яратилишини тақозо этади.

Минтақавий ривожланишни давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлигини, бизнинг фикримизча, В.Н.Лексин ва А.Н.Швецов аниқ асослаб берган. Уларнинг фикрича, ҳудудий (минтақавий) ривожланишни тартибга солиш амалда жаҳондаги барча давлатларининг мажбурий вазифасидир, ва агар давлат бундай вазифани бажармаса, демак у ҳолда бундай муаммонинг йўқлигини (масалан, Ватиканда), ёхуд давлат ўзининг бугуни ва келажакдан қайғурмаётганини ёки унинг ожизлигини англатади [8].

Минтақавий ривожланишни тартибга солиш ўзида минтақавий сиёсат амалга оширилиши усулини ифодалайди, - деб ҳисоблайди В.В.Котилко. Унинг фикрича, минтақавий ривожланишни тартибга солиш концепцияси тизимли тушунча бўлиб, уни узоқ муддатли истиқболда минтақани ривожлантириш олдига қўйилган мақсадларига эришиш усулини асослаш сифатида; мамлакат иқтисодиётини ислох қилишнинг турли босқичларида давлат минтақавий сиёсатининг мақсад ва вазибаларини амалга ошириш воситаси сифатида қараш лозим [9].

Минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш назарияси қайси минтақаларнинг иқтисодий ривожланиши давлат томонидан рағбатлантирилиши зарурлигига ва умуман минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солишга зарурат бор ёки йўқлигига жавоб бериши зарур. Агар бунга зарурият бўлса, танланган минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш қандай усуллар билан рағбатлантирилиши керак? Бу саволга жавоб минтақавий ривожланиш назариясидан келиб чиқади. Жумладан, неоклассик назария ишлаб чиқариш омилларидан етарли даражада фойдаланмаслик

минтақалар иқтисодий табақалашувининг асосий сабаби деб изоҳлайди. Уларнинг фикрича, агар ишлаб чиқариш омиллари тўлиқ сафарбар қилинса, у ҳолда вақт ўтиши билан минтақаларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси нисбатан тенглашади. Амалда на меҳнат, на сармоя тўлиқ сафарбар ҳисобланмайди, рента мослашувчан эмас, бу турли минтақаларда компаниялар ва фуқароларнинг даромади номутаносиблигига олиб келади [10].

Шу билан бирга, ушбу назария тарафдорлари ривожланишнинг дастлабки босқичида минтақаларнинг иқтисодий ривожланишига давлатнинг аралашувини, шунингдек ижтимоий масалаларни ҳал этиш учун муаммоли минтақаларга молиявий ёрдам бериш заруриятини инкор этмайдилар. Бироқ амалда неоклассик назария тарафдорларининг ғоялари ўз тасдиғини топмади: минтақаларни иқтисодий ривожланиш даражасидаги номутаносибликлар қисқа даврда бартараф этилмади, шу сабабли давлат у ёки бу даражада минтақаларнинг иқтисодий ривожланишига аралашушига тўғри келди.

Кумулятив ўсиш назарияси тарафдорлари минтақаларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидаги номутаносибликлар кўпайиши ёки кам деганда сақланиб қолишидан келиб чиқиб, аксинча, фаол минтақавий сиёсат юритишни таклиф этадилар. Минтақаларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш (ёки минтақаларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини бараварлаштириш, бунда бараварлаштириш деганда тенгликка эришиш эмас, балки фарқларни юмшатиш тушунилади) сифатида минтақавий сиёсатнинг бундай мақсадларни ифодалаши ҳам уларга тегишлидир. Бундан энг қолоқ минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини давлат доимий равишда рағбатлантириш зарурлиги келиб чиқади.

Минтақаларни иқтисодий ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш назарияси аввал бошданоқ мана шу иккита ўзаро зид ёндашувлар билан чекланган эди. Кейинчалик олимлар уч оқимни ажратиб кўрсатишди: «ноинтервенционистлар», улар асосан минтақавий ўсишга давлат таъсири заруратини инкор этадилар; «мослашувчилар» (адапторлар), улар стихияли бозор кучлари таъсирини юмшатишни, инвестициялар ва ишчи кучи миграциясини рағбатлантириш йўли билан ҳудудларни ривожлантиришга кичик ўзгартиришлар киритишни таклиф этдилар. “Радикал қайта ўзгартирувчилар” эса давлат томонидан тартибга солишнинг қатъий тарафдорлари бўлиб чиқдилар (Г.Камерон, О.Грищай, Г.Иоффе, А.Трейвиш) [11]. «Мослашувчилар» ғоясининг моҳияти шундаки, жараёнлар йўналишларини ўзгартирмасдан уларнинг табиий кечишини жадаллаштириш давлат томонидан тартибга солишнинг асосий вазифасидир; иқтисодий ўсишни рағбатлантириш у хусусий компаниялар манфаатлари билан белгиланадиган корхоналарни (аввало, саноат корхоналари) ривожлантириш ва жойлаштиришнинг умумий тенденцияларига мос бўлган тақдирдагина самарали бўлади. Бу эса индустриал жиҳатдан ривожланмаган ҳудудларда саноатнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар пайдо бўлганда юз беради, давлатнинг аниқ йўналтирилган сиёсати эса буни мустақамлайди, холос. Агар давлат хусусий инвесторлар учун олдиндан жозибали бўлмаган минтақаларда иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантиришга уринса, унинг саъй-ҳаракатлари кўпинча натижасиз тугайди.

С.Деннисон ва А.Лёш минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш назариясининг асосчилари ва дастлабки “мослашувчилар” бўлиб ҳисобланадилар, улар иқтисодий ривожланишни тартибга солишга оид икки хил концептуал ёндашувга асос солдилар. С.Деннисонни «фаоллар» сирасига киритиш мумкин; у урушдан олдинги Буюк Британия учун анча жиддий муаммо бўлган депрессив районларни давлат томонидан тартибга солишни таклиф қилди. У асосий эътиборни саноат инвестициялари жойлашувига таъсир кўрсатиш усулига қаратди. Боз устига бу усул саноатга капитал қўйилмаларни жойлаштириш устидан марказлаштирилган назорат билан боғлиқ ҳам билвосита, ҳам тўғридан тўғри таъсир эди. Деннисон давлат таъсири у ёки бу шаклларининг саноат корхоналарини маҳаллийлаштиришга самарадорлигини таққосламади, бироқ давлатнинг тўлиқ назорати инвестицияларни субсидия қилишдан кўра афзал эканлигини қайд этди, чунки у йирик шаҳар конурбацияларида ўсиб бораётган жамланиш каби маҳаллий ишсизлик билан боғлиқ бўлмаган муаммоларнинг кенг доирасини ҳал этиш имкониятларини беради.

Қатор хорижий муаллифлар томонидан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини стратегик бошқариш муаммолари билан боғлиқ изланишлар олиб борилган. Улар ичидан Р.Каплан ва Д.Нортон [12], Х.Р. Фридаг ва В.Шмидт [13] кабиларнинг ишларида ҳудудларнинг барқарор ҳамда мутаносиб ривожланишини таъминлашда тартибга солиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Яъни, мазкур изланишларда ҳудудларнинг барқарор ва мутаносиб ривожланишини таъминлаш, унинг инқирозини олдини олиш билан боғлиқ тадқиқотлар ҳамда бошқариш масалалари кўриб чиқилган.

Шунингдек, Д.Медоуз изланишларида барқарор ривожланиш учун ишлаб чиқариш омилларини миқдор ҳамда сифат жиҳатдан оширишга қаратилган макроиқтисодий ва ҳудудий сиёсатга алоҳида эътибор берилган [14].

Шу билан бирга, бошқа бир тадқиқотчилар изланишларида ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиши эконометрик жиҳатдан баҳоланган. Минтақаларнинг барқарор ва узоқ муддатли ривожлантиришда ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланишга қаратилган давлатнинг ҳудудий иқтисодий сиёсати алоҳида аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Ресурсларнинг самарали тақсимоти, инсон салоҳиятини ошириш, шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги фарқларни камайтириш каби ҳудудларни мутаносиб ва барқарор ривожланишини тартибга солиш омилларини ўрганишга қаратилган давлатнинг макроиқтисодий сиёсатини изчил амалга ошириш билан боғлиқ тадқиқотлар М.Мадала ва Р.Веллала каби тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган [15].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг методологик асослари ҳудудлар барқарор ривожланишини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади ва унинг методик асослари такомиллаштиришдан иборат. Шу билан бирга, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асосларини тизимлаштиришдан иборат. Шунга кўра, минтақавий ривожланишни давлат томонидан тартибга солишда энг аввало иқтисодий ривожланиш даражасини ошириш

ва аҳоли турмуш даражасини кўтариш мақсадида мамлакат ҳудудий бирликлари барқарор ва мувозанатли ривожланишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ва хатти-ҳаракатлар тизими тушунилади.

Республикамизда минтақавий тафовутларни камайтириш, минтақаларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш, тўлақонли транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни барпо этиш, экологик шароитлари ноқулай бўлган минтақаларни қўллаб-қувватлаш минтақаларни ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солишнинг вазифалари ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар

Кўпгина олимлар томонидан эътироф этилган тадқиқотлар таҳлили кўрсатишича, ҳудудларни мутаносиб ривожлантиришни таъминлаш ҳамда ҳудудларнинг барқарор ва мувозанатли ривожланиши учун фаол давлат сиёсати талаб этилади. Шунингдек, мазкур давлат сиёсатида ҳудудий ривожланишни тартибга солиш тизими ҳудуднинг табиий-иқлим шароити, уларнинг ривожланганлик даражаси ва салоҳиятига асосланиши ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилади.

Бошқа бир тадқиқотларда эса, ҳудуднинг мутаносиб ривожланишини таъминловчи тартибга солиш жараёнида инсон капитални оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Бунда минтақаларнинг барқарорлигига қаратилган тартибга солиш жараёни инсон омилини ривожлантириш асосида амалга оширилиши таъкидлаб ўтилган.

Жаҳоннинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлари тажрибаси бозор муносабатлари орқали мамлакат ҳаётидаги барча жараёнларни бошқариб ва ҳудудларни мутаносиб ва барқарор ривожлантириб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Масалан:

эркин бозор механизми макроиқтисодий барқарорликни ҳамда миллий иқтисодиётнинг ҳудудий мутаносиблигини таъминлай олмаслиги;

эркин бозорнинг иқтисодий механизми ижтимоий ривожланишнинг истиқболларини, илмий-техник ва иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини тўлиқ белгилай олмаслиги;

бозор иқтисодий хавфсизликни ҳамда жамиятдаги ижтимоий барқарорликни таъминлашдаги муаммоларни ечишга қодир эмаслиги;

бозор механизмлари орқали дунё иқтисодиёти жадал ривожланаётган ва ўзгараётган бир даврда ҳуқуқий асосни такомиллаштириш ва янги қарор, қонунларни ҳаётга тадбиқ этиб бўлмаслиги;

ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш ва ҳудудий бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича чоралар кўрилмаслиги ва бошқалар.

Агар давлат ўзининг макроиқтисодий ва ҳудудий сиёсати орқали жамиятдаги ва ҳудудлардаги жараёнларга аралашиб ва бошқариб турмаса аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқлар ошиб кетиши, ижтимоий нобарқарорлик юз бериши, минерал-хомашё базасининг тез камайиши ҳамда ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги фарқларнинг кучайишига олиб келиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, айнан «мослашувчилар» ғоялари Ўзбекистон учун энг кўп даражада мақбулдир. Ушбу хулосани қуйидаги далиллар билан асослаш мумкин. «Ноинтервенционистлар»нинг ёндашувлари камчиликларига, биринчидан, айрим

минтақалар ресурсларидан самарали фойдаланилмаслик эвазига мамлакат ривожланиш салоҳиятидан тўла фойдаланилмаслик киради. Айрим минтақалар ривожланиш салоҳиятидан энг кўп даражада фойдаланиш кўпинча минтақавий сиёсатнинг асосий мақсадларидан бири сифатида илгари сурилади. Саноат ишлаб чиқариши қийматининг, давлат бюджети даромадларининг катта қисми хомашё тармоқларида шакллантирилади, қазилма бойлик заҳираларининг катта қисми эса, маълумки, инфратузилма объектлари билан етарли даражада таъминланмаган, кам ўзлаштирилган ҳудудларда жойлашган. Иккинчидан, давлат албатта қатнашадиган фаолият соҳалари мавжуд, - булар энг аввало ривожланган инфратузилмани шакллантириш. Бунга ажратиладиган маблағлар сарфи қанчалик асосланса, у шунчалик кўп самара беради.

«Радикал қайта ўзгартирувчилар»нинг ёндашувлари ривожланишнинг ҳозирги босқичида республика бюджети эга бўлмаган харажатларни талаб қилиши туфайли қўлланилиши мумкин эмас. Энг муаммоли минтақаларни иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантиришнинг самарасизлиги тўғрисидаги тезисга келганда эса, саноати ривожланган мамлакатларда бундай рағбатлантириш амалга оширилишини ва у маъносиз ҳисобланмаслигини қайд этиш мумкин.

Минтақавий сиёсатнинг «мослашувчан» моделига амал қилиш мақсадга мувофиқлигига қарамай, давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирларининг бир қисми барибир энг муаммоли минтақаларнинг ўсишини рағбатлантиришга йўналтирилиши керак. Ушбу тезис кўп жиҳатдан «ҳудудий адолатлилик» тамойилига ва миллий иқтисодиётнинг иқтисодий самарадорлигига эришишига асосланган.

Олимлар орасида ушбу муаммога икки хил нуқтаи назар шаклланган. Улардан бирида: «ҳудудий адолатлилик» ва «иқтисодий самарадорлик» ўртасида тескари мутаносиблик мавжуд (яъни, муаммоли минтақаларда иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантириш албатта самарадорликнинг пасайишига олиб келади); айнан шу сабабли ҳудудий номутаносибликларни камайтиришга қаратилган минтақавий сиёсат концепциясидан ҳудудий рақобат концепциясига ўтиш зарур, деб ўқтирилади.

Иккинчи бир нуқтаи назар «ҳудудий адолатлилик» нафақат салбий, балки ижобий самара беради деган фикрдан иборатдир. Бундай тезис одатда учта далил билан асосланади. Биринчидан, адолатсизлик ва тенгсизлик минтақаларни ривожлантириш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланмасликни келтириб чиқаради. Иккинчидан, улар қисқа муддатли иқтисодий самара бериши, бироқ узоқ муддатли истиқболда номутаносибликларнинг тўпланиб қолишига сабаб бўлиши, ва кейинчалик уларни бартараф этиш учун катта маблағлар сарфлашга тўғри келиши мумкин. Учинчидан, бу асосийси, бундай номутаносибликлар ижтимоий портлашга сабабчи бўлиши мумкин.

Давлат сиёсатининг мақсадлари, вазифалари ва уни амалга ошириш усулларини, шунингдек ўтиш иқтисодиёти шароитида минтақаларнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини ҳал этишда давлатнинг ролини аниқ белгилаш айниқса мунозарали ҳисобланади.

Энг умумий кўринишда минтақавий сиёсатнинг асосий мақсади – ижтимоий-иқтисодий фаолиятни, фаровонлик ва ресурсларни тақсимлашда шаклланган анъаналарни ўзгартириш, яъни мамлакат минтақалари ўртасидаги тенгсизликни энг кам даражага туширишдир.

Давлат ҳудудий ривожланишга бевосита ва билвосита тартибга солиш йўлларида фойдаланиб маъмурий ва иқтисодий усуллар тизими орқали таъсир кўрсатади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида минтақавий ривожланишни давлат томонидан тартибга солишнинг тўғридан-тўғри усуллари катта ўрин тутаяди. Давлат бюджети ва республика бюджетдан ташқари маблағлари, марказлаштирилган кредит ресурслари ҳисобига молиялаштирилган минтақавий дастурлар, алоҳида муҳим таркибий инвестиция лойиҳалари, умумдавлат эҳтиёжлари учун маҳсулотлар етказиб беришга буюртмаларни жойлаштириш минтақавий ривожланишни тартибга солишда давлатнинг тўғридан-тўғри иштирокининг асосий шакллари ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда молия, солиқ регуляторлари орқали амалга ошириладиган фаолиятнинг ҳар хил соҳаларида минтақавий имтиёзлар ва иқтисодий рағбатлантириш билан мустақамланадиган ҳамда мамлакатда тадбиркорликнинг ривожланишига таъсир кўрсатадиган билвосита иқтисодий тартибга солиш усуллари аҳамияти ортмоқда.

Қисқа ва узоқ муддатли истиқболда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг комплекс прогнозларини ишлаб чиқиш минтақавий ривожланишни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида ўз мавқеини бозор муносабатларида ҳам сақлаб қолади.

Шундай қилиб, тарихий ва хорижий тажриба иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда давлатнинг тартибга солувчи функциялари ва жавобгарлигидан кенг фойдаланиш зарурлигидан далолат беради. Барча ривожланган мамлакатларда иқтисодиёт ўз хусусиятига кўра аралаш иқтисодиёт ҳисобланади, яъни давлат унда кўплаб мувофиқлаштирувчи функцияларни бажаради, тартибга солувчи тусдаги айрим тўғридан-тўғри қарорларни қабул қилади.

Ҳудудларнинг барқарор ривожланишини таъминлашда давлатнинг аралашуви умумий макроиқтисодий барқарорлик ва умумий иқтисодий ривожланишни таъминлашдаги иштирокига қараганда бирмунча кучлироқ бўлади ҳамда у турли кўринишда намоён бўлади.

Ўзбекистон мисолида оладиган бўлсак, ҳудудларни комплекс ва барқарор ривожлантиришда давлат томонидан бирқанча дастаклардан фойдаланиб келинмоқда. Уларнинг кўлами ва амалиётда қўлланилганлик даражаси ислоҳот йилларида турлича бўлиб, ислоҳотларнинг янги босқичида жадаллашди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда ҳудудлар ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш дастаклари ва улардан фойдаланилганлик даражаси [16]

№	Давлат томонидан тартибга солиш дастаклари	Ислоҳот йиллари		Яқин ва ўрта истиқболда
		1991-2016	2017-2021	
1	Бюджет-солиқ сиёсатини амалга ошириш ва уни эркинлаштириш	+++	++	+
2	Инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш	++	+++	+++
3	Ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш	+	+++	++
4	Ҳудудий ривожланиш концепция ва стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш	-	+	++

5	Махсус зоналар ташкил қилиш ва ривожлантириш	+	+++	+++
6	Кластерлар ташкил этиш ва ривожлантириш	-	++	+++
7	Экологик вазият мураккаб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси паст бўлган ҳудудларни қўллаб-қувватлаш	-	++	+++
8	Ҳудудий бошқарув тизимида институционал ўзгаришларни амалга ошириш	+	+++	++

Изоҳ: ҳудудлар ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш дастакларидан фойдаланилганлик даражаси:

- – фойдаланилмаган;

+ – паст даражада;

++ – ўрта даражада;

+++ – юқори даражада.

Барчамизга маълумки бюджет солиқ сиёсати ҳудудларни ривожлантиришда, аҳолининг турли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишда, маҳаллий ҳокимликларнинг харажатлар қисмини қоплашда, умуман олганда ҳудудларни мутаносиб ва барқарор ривожлантиришдаги аҳамияти муҳим ҳисобланади. Ушбу жараёнлар мажбурий тўловлар ва солиқдан тушадиган маблағларнинг қайта тақсимланиши орқали ва бюджетлараро муносабатлар орқали тартибга солинмоқда. Ислохотлар даврининг 1-босқичида (1991-2016 йиллар) ҳудудлар ўз харажатларининг асосий қисмини республика бюджетидан қайта тақсимлаш орқали келиб тушадиган трансфертлар ҳисобига қопланган, яъни аксариант туманлар давлат бюджетидан ажратиладиган дотация ҳисобига кун кўрган.

Ислохотларнинг янги даврида (2017-2021 йиллар) бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва эркинлаштириш мақсадида маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини ошириш, солиқларнинг аксарият турларини ҳамда белгиланган прогноз кўрсаткичларининг ортириб бажарилган қисмини маҳаллий бюджетда қолдиришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни молиялаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб қувватлаш, маданий тадбирларни ўтказиш, ижтимоий соҳа объектларини жорий таъмирлаш имкониятини яратмоқда. 2018 йилдан бошлаб маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини ошириш мақсадида айрим солиқ турларини маҳаллий (ягона солиқ тўлови), туман ва шаҳарлар (жисмоний шахслар учун мол-мулк ва ер солиғи) бюджетларида қолдириш тартиби жорий қилинди [17].

Иқтисодий ислохотларнинг давоми сифатида, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини мустаҳкамлаш ва унинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган сиёсат такомиллаштирилиб, 2021 йилдан бошлаб эса маҳаллий ва туман (шаҳар) бюджетларида қолдириладиган солиқ турлари кенгайтирилди [18].

Юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши маҳаллий ҳокимликлар фаолиятини эркинлаштириш, ҳудудларни комплекс ва барқарор ривожлантиришда давлатнинг иштирокини камайтиришга олиб келади. Бу эса яқин ва ўрта келажакда ҳам ўзининг аҳамиятини сақлаб қолади.

Ҳудудий ривожланишни тартибга солиш назарияларини таҳлил этиш мазкур назарияларнинг турли ҳиллигини, аниқ бир мамлакатлар тажрибаси асосида яратилганлигини, яъни мазкур назариялар универсал эмаслигини, ушбу назариялардан тўлиқлигича Ўзбекистон шароитида фойдаланиб бўлмаслигини

кўрсатмоқда. Бироқ, таҳлил этилган назариялардан комбинация тарзидан мамлакатимиз ҳудудларини барқарор ривожлантиришда фойдаланиш мумкин бўлиб, айниқса ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ва уни тартибга солишда янги ёндашувлардан фойдаланиш, чекка ҳудудларимизни саноатлаштиришда – ҳудудий ривожланишнинг янги назарияларидан фойдаланиш, ҳудудий ривожланишнинг институционал асосларини такомиллаштиришда – неклассик назариялардан фойдаланиш, аниқ ҳудудий омилларни, яъни ишлаб чиқаришни жойлаштириш омилларини ҳисобга олган ҳолда дастурлар ишлаб чиқишда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ва уларни бошқаришда инновацияларни қўллашда – кумулятив ўсиш назарияларидан фойдаланиш орқали самарали натижаларга эришиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнига шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда ҳудудий сиёсат йўналишлари сифатида Ўзбекистонни барқарор ривожлантириш бўйича қўйидагиларни келтириш мумкин:

иқтисодиётнинг реал тармоқларини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцион туман ва шаҳарлар сонини камайтириш ҳамда маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш;

ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан тез суръатларда ўсишини таъминлаш;

минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини доимий баҳолаб бориш ва чуқур таҳлил қилиш, ҳудудлар ўртасидаги тафовутларни аниқлаш ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни қўллаш;

ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш орқали уларни комплекс ривожлантириш, улар салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали аҳоли турмуш даражаси ва даромадларини ошириш;

янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат ва эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш орқали катта салоҳиятга эга бўлган шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш;

саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришда ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, инфратузилма ва меҳнат салоҳиятига эътибор қаратиш ва бошқалар.

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга давлат томонидан кўрсатилаётган таъсирнинг сақланиб қолишига қарамай, келажакда ривожланиш асосан бозор механизмлари орқали амалга оширилиши зарур. Ўтиш даври шароитида эса ҳали тўлиқ шаклланмаган бозорнинг ўз-ўзини тартибга солиш механизмига асосланиб қолмаслик керак.

Ўзбекистонда бозор институтлари мураккаб бозор шароитида иқтисодий муносабатларнинг тўлиқ қамраб олмаган. Шу сабабли, бозорга хос ўзини ўзи ташкил этишнинг мукамал механизмлари яратилмаган экан, иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнида давлат фаол иштирок этиши керак. Айни пайтда, давлат мавжуд янги бозор институтларига, биринчи навбатда ҳудудлардаги бозор институтлари шакллантирилиши учун шарт-шароитлар яратиши зарур. Фақат барқарор фаолият кўрсатадиган бозор механизмлари шакллангандан сўнггина давлат томонидан

бевосита аралашувсиз иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони.
2. Шавкат Мирзиёев ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ. -Тошкент: “Ўзбекистон нашриёти, 2021. 124-бет.
3. <https://review.uz/oz/post/20222026-yillarga-moljallangan-taraqqiyot-strategiyasining-yangi-loyihasi-muhokamaga-qoyildi>
4. The State in a Changing World Bank. Oxford University Press. 1997. P. Lii.
5. Эльянов А. Государство и развитие. // Мировая экономика и международные отношения. 2003. № 1. 3-б.
6. Региональные проблемы переходной экономики. М.: Экономика. 2002. С. 611.
7. Государственное регулирование экономики. М.: ЮНИТИ. 2001. С. 12-13.
8. Лексин В., Швецов А. Региональная политика России: концепции, проблемы, решения. Статья десятая. Смысл и механизмы государственного регулирования территориального развития// Российский экономический журнал. 2002. №4. С.35.
9. Котилко В.В. Региональная экономическая политика. М.: Издательство РДЛ, 2001. С.25.
10. Гутман Г.В., Мироедов А.А., Федин С.В. Управление региональной экономикой. М. Финансы и статистика. 2002. С.20.
11. Кузнецов О. Теоретические основы государственного регулирования экономического развития регионов. – Вопросы экономики, 2002, № 4, стр.62.
12. Kaplan, R. S. The strategy-focused organization: How balanced scorecard companies thrive in the new business environment [Text] / R. S. Kaplan, D. P. Norton. – Harvard Business School Press, 2001.
13. Фридаг Х. Р. Сбалансированная система показателей. [Текст] / Х. Р. Фридаг., В. Шмидт. Пер. с нем. – М.: Финансы и статистика, 2007.
14. Meadows D., Randers J. The limits to growth: the 20-year update. - Chelsea Green Pub., 2004. – 338 p.
15. P.Vellala, M.Madala, U.Chhattopadhyay. A Theoretical Model for Inclusive Economic Growth in Indian Context // http://www.ijhssnet.com/journals/Vol_4_No_13_November_2014/27.pdf.
16. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш, таҳлил ва мониторинг қилиш асосида эксперт баҳолаш усулидан фойдаланган ҳолда муаллиф томонидан тузилган.
17. Cruz, José Manuel García de la, Bo, Feng. Reform and Openness Of The Chinese Economy: Effects On Regional Convergence. (Beta and Sigma Convergence, 2000–2010) // Regional and Sectoral Economic Studies. 2016. Vol. 16–1. P. 89–110. — URL: <http://www.usc.es/economet/journals2/eers/eers1617.pdf>.
18. Martinez-Vazquez, J., Vaillancourt, F. Public policy for regional development // Routledge Taylor & Francis Group, 2008. — URL: <http://ru.bookzz.org/book/819459/e356a8>.